

**ТОҒ-КОН САНОАТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИДА
СТАНДАРТЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР**

Элёр Махмудович Фозилов

“Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМ директор ўринбосари.

Муродали Мирзалиевич Қурбаналиев

Стандартлаштириш бўлими бошлиғи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18508169>

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонуни билан, стандартларни ва стандартлаштиришга доир тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда қўллаш, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш келтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059 сонли қарори билан, стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро талаблар билан уйғунлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичларини амалга ошириш лозимлиги қайд этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Ўзбекистон стандартлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 14 мартдаги 220-сонли қарори билан техник қўмиталарнинг асосий вазифалари сифатида стандартлаштириш тизимларининг фаолиятини ва ривожланишини таъминлашда қатнашиш, халқаро стандартларни қўллаш асосида уни халқаро, давлатлараро тизимлар билан уйғунлаштириш, стандартларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, қайта кўриб чиқишда илғор хорижий тажрибани жорий қилиш йўли билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатдошлиги оширилишини таъминлашдаги вазифалари белгиланган.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, тоғ-кон ва геология соҳасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 14 августдаги 97-сонли буйруғи билан “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМ таркибида таянч ташкилот мақомига эга бўлган “Стандартлаштириш бўлими” ташкил этилди.

Тоғ-кон саноати ва геология соҳаси бўйича стандартлаштириш техник қўмита ва “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМнинг асосий вазифаларидан – кон геология соҳасида стандартлаштириш ҳужжатларини тизимлаштириш ва такомиллаштириш, долзарблигини йўқотган ва маънан эскирган стандартларни қайта кўриб чиқиш, халқаро ва хорижий давлатлар стандартларини давлат тилига таржима қилиш, миллий стандартларни ишлаб чиқиш, ҳамда саноат корхоналарида фойдаланишда бўлган стандартларни долзарблаштириш (актуаллаштириш).

Бугунги кунда тоғ-кон ва геология соҳасидаги стандартлар хатловдан ўтказилиб, стандартлаштириш йўналиши бўйича қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни қўллашда долзарблигини йўқотган ёки маънан эскирган стандартлар таҳлили амалга оширилди.

Амалдаги эски стандартлар ўрнига халқаро (минтақавий) ва хорижий давлатлар стандартлари билан уйғунлашган миллий стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича

таклифлар тайёрланиб, стандартлаштириш соҳасида норматив ҳужжатлар рўйхати (базаси) шакллантирилди.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ISO ва Европа стандартлаштириш ташкилоти (CEN) веб сайтларидан фойдаланган ҳолда **5 236 та** стандартдан соҳага тааллуқли **жами 519 та** маънан эскирган стандарт таҳлил қилинди.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг тизим ости ташкилотларида амалда бўлган **41 та** стандарт ўрнига миллий стандартлар ишлаб чиқиш ва соҳага тадбиқ этиш ҳолати ўрганилди.

Европа стандартлаштириш қўмитасининг расмий сайти орқали тоғ-кон ва геология соҳасига оид стандартлар таҳлили ўтказилиб, соҳада **1 234 та** EN стандарт мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, Давлатлараро стандарт (ГОСТ) Халқаро ISO ташкилотининг веб сайтлари орқали соҳага оид стандартлари ўрганилиб, натижада 2024-2025 йилларда **33 та** Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг тизим ости ташкилотларининг стандарти миллий стандарт ҳолатида Стандартлар институтида белгиланган тартибда тасдиқланди.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг тизим ташкилотларида фойдаланишда бўлган **9 500 дан ортиқ** стандартларни **долзарблаштириш** ишлари амалга оширилди.

Соҳага оид **13 та** миллий стандарт лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди, ҳозирги кунда **4 та** миллий стандартлар лойиҳалари Стандартлар институти сайтининг Жамоатчилик муҳокамаси жойлаштиришган ҳамда экспертизадан ўтиш жараёнида.

“Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМ Ўзбекистон стандартлаштириш институти билан ҳамкорликда соҳалар таҳлил қилиниб, тоғ-кон ва геология соҳасининг стандартлаштириш бўйича техник қўмита низоми ва Стандартлар таснифлагичи (ОКС) қайта кўриб чиқилди.

Ўрганиш ва таҳлиллар натижасида стандартлар фондидан **2556 та** соҳага оид стандартлар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Шундан **333 таси** миллий ва давлат стандартлари, **2209 таси** Давлатлараро стандартлар ва қолган **14 таси** бошқа давлатларнинг стандартлари.

Ушбу стандартлар геология, заргарлик иши, кон иши, кўмир, каттик ёкилғи, руда минераллар ва уларнинг концентратлари, норуца минераллар, кон ускуналари, металллар коррозияси, қора ва рангли металллар ҳамда улардан тайёрланадиган маҳсулолар каби **70 дан** ортиқ таснифлаш гуруҳларини ўз ичига қамраб олган.

“Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМ томонидан Жаҳон Савдо Ташкилоти талабларига мослаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Амалдаги эски соҳага оид стандартлар қайта кўриб чиқилиб, **432 та** халқаро стандартлар аниқланиб, уларнинг рўйхати шакллантирилди ва миллий стандартга айлантириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Жаҳон Савдо Ташкилоти талабларига мослаштириш мақсадида, **177 та** халқаро стандарт давлат тилига таржима қилиниб, бугунги кунда **115 та** уйғунлашган миллий стандарт лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Қуйидаги фойдали қазилмалар: мис, алюминий, никел, ва уларнинг қотишмалари, иссиқ прокатланган пўлат стерженлар, пўлат сим каттик металллар, синов ишлари, магний қотишмалари, пўлат маҳсулотлари каби хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотларга қўйиладиган айрим талаблар бўйича халқаро стандартларга уйғунлашган миллий стандартлар *O'zMS ISO 377:2025 (ISO 377:2017 IDT)*, *O'zMS ISO 7530-8:2025*

(ISO 7530-8:1992 IDT), O'zMS ISO 4749:2025 (ISO 4749:1984 IDT), O'zMS ISO 1190-1:2025 (ISO 1190-1:1982 IDT), O'zMS ISO 3980:2025 (ISO 3980:1977 IDT), O'zMS ISO 4741:2025 (ISO 4741:1984 IDT) жорий қилинди.

Тоғ-кон саноати, геология ва металлургия соҳасининг стандартлаштириш бўйича келгусида амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар:

1. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва унинг тизим ости ташкилотларида ишлаб чиқариш ва лабораториялар учун янги миллий стандарт лойиҳаларини ишлаб чиқиш (*жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ҳамда вазирлик ва идоралар билан келишувдан ўтказиш*) ва тасдиқлаш.

2. Жаҳон савдо ташкилоти ва халқаро талаблар асосида соҳага оид аниқланган **450 та** халқаро стандартларни миллийлаштириш бўйича рўйхатни шакллантириш ва таклифларни Стандартлар институтига тақдим этиш.

3. Амалиётда 2014 йилгача фойдаланишда бўлган стандартларни таҳлил қилиш ва замонавий стандартларни аниқлаш ҳамда булар бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

4. Соҳада стандартлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш (МГС) томонидан 2025-2026 йилда янги қабул қилинган (шу жумладан, қайта кўриб чиқилган, бекор қилинган) давлатлараро стандартларни таҳлил қилиш, амалдаги эски ГОСТларни янгилаш таклифларини ишлаб чиқиш.

5. Соҳада Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан 2025-2026 йилда янги қабул қилинган (шу жумладан, қайта кўриб чиқилган, бекор қилинган) стандартларни таҳлил қилиш, таклифларни ишлаб чиқиш.

6. Тоғ-кон ва геология соҳасида фойдаланиладиган **9 546 та** стандартларнинг “Ўзбекистон Стандартлар институти” базаси билан солиштириб чиқиш (амалда ёки амалда эмаслигини) долзарблаштириш.

7. Техник кўмита фаолиятида олий таълим муассасалари ва хусусий бизнес вакиллари билан ишлаш механизмини йўлга қўйиш, мутахассисларни малакасини ошириш бўйича эксперт ва грандларни жалб қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Тоғ-кон саноати, геология ва металлургия соҳасида стандартлаштириш йўналишида халқаро стандартларни такомиллаштирилиши куйидаги натижаларга эришилиши учун манфаатли ва долзарб ҳисобланади:

аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун маҳсулотнинг сифатини ҳамда рақобатбардошлигини ошириш;

фуқароларнинг ҳаётини ва соғлигини муҳофаза қилиш;

ресурсларни тежашга кўмаклашиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳсулотларнинг сифатини, ўзаро алмашувчанлигини ва мослашувчанлигини таъминлаш;

тоғ-кон, геология ва металлургия соҳасида ишлаб чиқаришнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг хорижий бозорларга қонунчиликда белгиланган тартибда олиб чиқилишига кўмаклашиш;

ижтимоий-иқтисодий ва илмий техник дастурларни ҳамда лойиҳаларни рўйбга чиқариш чоғида амалий жиҳатдан кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларида стандартлаштириш бўйича миллий орган Ўзбекистон стандартлар институти билан биргаликда Тоғ-кон саноати, геология ва металлургия соҳасидаги стандартларни ишлаб чиқиш бўйича қатнашиш ва таклифлар тайёрлаш;

фойдали қазилмаларни, металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, синаш ўлчаш, наъмуналар олиш улардан фойдаланиш, ташиш, реализация қилиш жараёнларига кўмаклашиш.

Шу боис тоғ-кон саноати, геология ва металлургия соҳасида стандартлардан фойдаланиш ер қаъридан фойдаланувчилар фаолиятида қурилмалардан тўғри фойдаланишга ҳамда маҳсулот сифатини оширишда катта аҳамиятга эгадир.